

Тожибоев Акбар Зафар ўгли,

Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-8-2>

СТАРТАП БЎЙИЧА ШАРТНОМА МЕЗОНЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада инновацион фаолият натижаси саналадиган стартаплар, стартап лойиҳалари бўйича шартномаларга қўйиладиган умумий мезонлар муҳокама қилинган. Шунингдек, мақола стартап лойиҳаларига оид муносабатларни янада такомиллаштириш борасидаги хулоса ва таклифлар билан бойитилган.

Калит сўзлар: стартап, стартап лойиҳалари, инновация, инновацион фаолият, инвестиция, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, стартап лойиҳаларини молиялаш.

Тожибоев Акбар Зафар ўгли,

Преподаватель кафедры Гражданское право
Ташкентского государственного юридического
университета

КРИТЕРИИ ДОГОВОРА О СТАРТАПЕ

Аннотация: В статье рассматриваются общие критерии договора о стартапе и стартап-проектах, которые являются результатом инновационной деятельности. Также в статье содержатся выводы и предложения по дальнейшему улучшению отношений по разработке стартап-проектов.

Ключевые слова: стартап, стартап-проекты, инновация, инновационная деятельность, инвестиции, гражданско-правовые договоры, финансирование стартап-проектов.

Tojiboyev Akbar Zafar ugli,

Lecturer at Civil Law Department
of the Tashkent State University of Law

CRITERIA OF CONTRACTS ON STARTUP

Abstract: This article discusses general contractual criteria for start-ups and start-up projects that are considered as the result of innovation activity. Moreover, the article is supplemented with conclusions and recommendations on further improvement of relations on start-up projects.

Keywords: start-up, start-up projects, innovation, innovation activity, investment, civil legal contracts, financing of start-up projects.

For citation: Tojiboyev Akbar Zafar ugli. CRITERIA OF CONTRACTS ON STARTUP. Journal of Law Research. 2019, 8 vol., issue 1, pp. 9-13

Дунёда сўнгги пайтда илмий-техникавий тараққиётнинг асосини ташкил қилувчи нанотехнологиялар, биотехнологиялар, ген инженерияси, "сунъий интеллект" ва бошқа истиқболли инновацион фаолият натижаларининг компьютер технологиялари, телекоммуникациялар, тиббиёт ва транспорт каби соҳаларга кенг татбиқ этилиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш шароитида фан ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш мамлакат келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда.

Сўнгги йилларда инновация ва инновацион фаолиятни давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларига жалб этиш ва уни қўллаб қувватлаш мақсадида мамлакатимизда аниқ вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сон фармони бу соҳадаги муҳим ҳужжат саналади. Фармонга мувофиқ 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди ва 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди. Мазкур ҳужжатдаги энг асосий вазифалардан бири бу - стартап лойиҳалар учун технопарк ташкил этиш орқали мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш тармогини ривожлантиришдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги "Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5583-сон фармонида таъкидланишича инновацион гоёлар, стартаплар, венчур лойиҳаларни молиялаштириш, илмий-техник ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни тезлаштириш ва инновацион маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш мақсадида 2023 йил 1 январга қадар қуйидагиларга муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинган:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштирилаётган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар.

Ҳар қандай бозор сингари стартап лойиҳалари ҳам шартномавий муносабатларисиз мавжуд бўла олмайди. Шу сабабли, фуқаролик муомаласининг мазкур тури таркибида асосий юридик фактлар бўлиб, мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатларни юзага келишига сабаб бўладиган юридик фактлар ҳисобланади. Бундай юридик фактларнинг кенг тарқалган тури икки ва кўп томонлама хусусиятга эга бўлган битимлар - ҳозирги ҳуқуқий шароитларда "фуқаролик муомаласи иштирокчилари фаоллигининг идеал шакли" [1] сифатида қараладиган шартномалардир. Шартнома томонлар хоҳиш-иродасини ўзаро мувофиқлаштириш натижаси сифатида ҳам неъматларга бўлган ҳуқуқ эгаларининг, ҳам ҳуқуқларни эгалловчиларнинг манфаатлари мумкин қадар тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш имконини беради, субъектлар - фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг тенглиги ва бир-бирига бўйсунмаслиги шароитида марказлаштиришдан чиқарилган тартибга солишнинг одатдаги воситаси сифатида амал қилади.

Стартап лойиҳалари ҳам ўз навбатида инновацион ҳуқуқий фаолиятнинг натижаси сифатида баҳоланади. Стартап лойиҳасига оид шартномалар инновацион жараёнинг барча босқичларини қамраб олади: дастлабки ғоядан бошлаб аниқ, яқуний маҳсулотгача. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу фаолиятни тартибга соладиган ягона қонунчилик нормалари мавжуд бўлмаган шароитда шартноманинг қўлланилиши:

- стартап лойиҳаси субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- илмий ва илмий-техникавий маҳсулотларни яратишга ҳуқуқий шароит ҳозирлаш бўйича имкониятлар яратади [2].

Бошқа тадқиқотчилар томонидан эса инновацион ҳуқуқий муносабатлар бир қатор шартномалар асосида вужудга келиши: таянч ва амалий тадқиқотлар ўтказишга қаратилган ҳуқуқий муносабатларни яратувчи шартномалар; янги маҳсулот намуналари ва уларнинг конструкторлик ҳужжатларига доир контрактлар; пудрат ва олди-сотди шартномалари эътироф этилмоқда [3].

Шу билан бирга айтиш керакки, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишга хизмат кўрсатувчи шартномалар тизими ички тузилмавий ягоналиги ҳамда бир қатор омиллар билан белгиладиган ички табақаланиш орқали тавсифланади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш асоси; объектнинг таркибий тузилиши; томонларга қўйиладиган талаблар хусусияти; муқобил тўловнинг мавжудлиги; шаклнинг муайянлиги.

Инновацион фаолиятга оид шартномаларни фарқлашнинг асосий мезони сифатида "ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш асосини" белгилашимиз мумкин. У ўз моҳиятига кўра қайтарилмайдиган (объектнинг кейинчалик қайтарилишини назарда тутадиган) ёки қайтарилмайдиган (бундай беришни назарда тутмайдиган) бўлади. Буларнинг барчаси мазкур шартномаларнинг предмети асосан номоддийлиги билан изоҳланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи томонларнинг манфаатлари мол-мулкни қайтарилмайдиган тарзда топширишни доим ҳам талаб қилавермайди, чунки бу мол-мулкнинг эгасига ҳам, уни эгалловчига ҳам фойдали бўлмаслиги мумкин. Шу билан бир вақтда, айрим шартномалар моҳиятини кўриб чиқалаётган нуқтаи назардан аниқлаш муайян қийинчиликлар тугдирати. Чунончи, миллий қонунчилик учун нисбатан янги конструкция ҳисобланадиган мутлақ ҳуқуқни ўзга шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг хусусияти, бир қарашда, унча аниқ эмас. Айни ҳол шу билан боғлиқки, "ҳуқуқни ўзга шахсларга ўтказиш" тушунчасининг ўзи фуқаролик ҳуқуқи фанида келишмовчиликларга сабаб бўлади. Ҳуқуқни вақтинчалик беришни уни ўзга шахсга ўтказиш деб ҳисоблаш мумкинми, деган масала хусусида олимлар фикри бир жойдан чиқмайди. Айрим муаллифлар ҳуқуқни маълум муддатга бериш уни ўзга шахсга ўтказиш ҳисобланмайди, чунки муайян ҳуқуқдан бутунлай воз кечишгина ҳуқуқни ўзга шахсга ўтказиш деб эътироф этилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар [4].

Айрим қарашларга кўра, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда "ҳуқуқни ўзга шахсга ўтказиш" тушунчаси кўп жиҳатдан айнан объектни қайтаришсиз асосда бериш сифатида тушунилади [5], шу сабабли биз ушбу тушунчанинг тор маънодаги талқинини ўринли, деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, мутлақ ҳуқуқларни ўзга шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар айнан ҳуқуқнинг қайтарилмаслиги билан тавсифланади.

Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқларни қайтаришли асосда ўтказиш учун мўлжалланган шартномалар тўғрисида махсус нормаларнинг йўқлиги бундай ўтказишни амалга ошириш мумкинми, деган савол туғилишига сабаб бўлади. Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни вақтинчалик бериш мумкинлиги ҳақидаги тезиснинг фойдасига иккита аргумент келтириш мумкин. Биринчидан, ҳуқуқни вақтинчалик беришга қонун йўли билан белгиланган тақиқларнинг йўқлиги фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг рухсат берувчи асослари устун бўлган шароитларда бундай беришга ижозат сифатида қаралиши мумкин. Иккинчидан, ҳуқуқларни бошқа мол-мулк билан бирга, масалан, корхона таркибида қайтаришли асосда бериш мумкинлиги улар мустақил равишда ҳам бошқа шахсга вақтинчалик ўтказилиши мумкин, деб ҳисоблаш учун асос беради. Ушбу фикр интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқ муомаласи тушунчасига қўшимча киритиш ва унга турли хусусиятга эга бўлган субъектив ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишга қаратилган, қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ёки унда тақиқланмаган асослар ва усуллар доирасида амалга ошириладиган, ҳуқуқ эгалари доимий равишда ёки вақтинчалик алмашишига олиб келадиган жараён сифатида қараш имконини беради.

"Объектнинг таркибий тузилиши" мезонидан фойдаланиш кўриб чиқилаётган муомала соҳасида бир компонентли ва кўп компонентли шартномаларни фарқлаш имконини беради. Бир компонентли шартномалар объекти интеллектуал фаолиятнинг муҳофаза қилинадиган натижасига бўлган битта аниқ мутлақ ҳуқуқ ҳисобланади. Кўп компонентли шартномаларда объект моддий ва номоддий неъматларнинг бутун бир мажмуидан ташкил топади ва унинг таркибида интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар элементлардан бири ҳисобланади.

Шартномадан келиб чиққан мажбурият предмети мажбурият юзага келган шахсларнинг моддий ёки бошқа неъматлар юзасидан белгиланган ва амалга ошириладиган ҳаракатлари ҳисобланади. Шартнома бўйича мажбуриятнинг объекти сифатида шу неъматнинг ўзи амал қилади. У бир компонентли ва кўп компонентли бўлиши мумкин. Кўп компонентли шартномалар жумласига, масалан, корхонани ижарага олиш ва олди-сотди шартномалари, шунингдек франшизинг шартномаси қиради. Бу ерда интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар билан бирга фирма номи, муҳофаза қилинадиган тижорат ахбороти, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси сингари объектларга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, шунингдек ҳуқуқ эгасининг ишбилармонлик обрўси ва тижорат борасидаги тажрибаси амал қилади.

Инновацион фаолиятни амалга оширишда бир компонентли шартномалар муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, улар жумласига, қўйидагилар киритилган: асарга бўлган мутлақ ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартнома; ихтиро, фойдали модель ёки саноят намунасига бўлган мутлақ ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартнома; ишлаб чиқариш сирига бўлган мутлақ ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартнома ва ҳоказо.

Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар муомаласига хизмат кўрсатиш шартномаларнинг томонларига қўйиладиган талаблар хусусиятидаги фарқлар бундай шартномаларни универсал ва махсус субъектлар таркибига эга шартномаларга ажратиш имконини беради. Универсал субъектлар таркибига эга шартномаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг муомалага киритишга қўйиладиган умумий талабларгагина жавоб берадиган ҳар қандай иштирокчилари билан тузилиши мумкин. Махсус

субъектлар таркибига эга шартномаларда томонлардан бири ёки барчасига алоҳида талаблар қўйилади. Қоида тариқасида, бу ҳуқуқлардан фойдаланиш мақсади билан белгиланади. Фуқаролик муомаласи кўриб чиқилаётган сегментига мансуб бир қатор шартномаларнинг муқаррар белгиси уларнинг томонлари сифатида тadbиркорлик фаолияти субъектларининг ишгирок этиши ҳисобланади [6]. Чунончи, ҳуқуқларни ишончли бошқариш мақсадида ўзга шахсга ўтказиш фақат якка тadbиркорлар ёки тижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

"Шақлнинг муайянлиги" мезонига кўра интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни ўзга шахсларга ўтказиш замирида ётувчи шартномаларнинг барчасини икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ шақлига қўйиладиган талаблар аниқлаштирилган шартномалар, иккинчи гуруҳга эса - битимлар, шу жумладан шартномалар шақлига қўйиладиган умумий талабларга жавоб бериши лозим бўлган шартномалар киради.

Инновация ва инновацион фаолиятни давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларига жалб этиш ва уни қўллаб қувватлаш мақсадида қуйидаги ҳулосаларга тўхталиб ўтиш даркор:

1. Инновация ва инновацион фаолиятнинг бир кўриниши ҳисобланган стартаплар ўтказиш ва уларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги умумий қоидалар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ саналади.

2. Инновацион ҳуқуқий муносабатлар бир қатор шартномалар асосида вужудга келиши: таянч ва амалий тadbиркорлик ўтказишга қаратилган ҳуқуқий муносабатларни яратувчи шартномалар; янги маҳсулот намуналари ва уларнинг конструкторлик ҳужжатларига доир контрактлар; пудрат ва олди-сотди шартномалари эътироф этилади. Шу ўринда стартаплар бўйича ҳам айнан қайси турдаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар қўлланилишини аниқ белгилаб қўйиш лозим.

3. Юқори технологияли тadbиркорлик лойиҳалари-стартапларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқ нисбати, уларни молиялаштириш ҳамда тижоратлаштириш масалаларига оид қоидалар миллий қонунчилигимизда ўз аксини топиши лозим саналади.

Иқтибослар/Сноски /References

-
1. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: общие положения. - М.: Статут, 2000. - с. 14 (Braginsky M.I., Vitryansky V.V. Contract law. Book one: general provisions. - M.: Statute, 2000. - p. 14).
 2. Ўзбекистонда инновация фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши. монография / И.Рустамбеков ва бошқ. - Тошкент: Spectrum Media Group, 2015. - Б. 50-54 (Civil-law regulation of innovation activity in Uzbekistan. monography / I.Rustambekov and others. - Tashkent: Spectrum Media Group, 2015. - P. 50-54).
 3. Сулаймонов У. Инновацион шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикасида инновация фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. - Тошкент: ТДЮУ, 2015. - Б. 55 (Sulaymonov U. Peculiarities of Innovative Contracts // Collection of materials of the scientific and practical conference on problems of civil-law regulation of innovation activity in the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: TSUL, 2015. - P. 55).
 4. Калитин В.О. Распоряжение исключительными правами по договору // Патенты и лицензии. 2000. № 2. - с. 34-35 (Kalatin V.O. Disposal of exclusive rights under the agreement // Patents and licenses. 2000. № 2. - pages 34-35).
 5. Юридическая энциклопедия // Под ред. М.Ю.Тихомирова. - М.: Юринформцентр, 1993. - 134-с (Legal Encyclopedia // Ed. M.Yu.Tikhomirova. - M.: Yurinformsent, 1993. - p. 134).
 6. Маковский А.Л. О концепции первой части Гражданского кодекса // Вестник ВАС РФ. 1995. № 4. - с. 86 (Makovsky A.L. On the concept of the first part of the Civil Code // Bulletin of the Supreme Arbitration Court of the Russian Federation. 1995. № 4. - p. 86).